# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларнинг парламентларига, жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилигига МУРОЖААТНОМАСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Террорчи тўдаларга қарши олиб борилган жангларда Ватанимиз хавфсизлиги, Ўзбекистон фуқароларининг тинчлиги ва омонлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларимизнинг номлари қалбимизда абадий яшайди.

Биз ана шу жасур ўғлонларимиз билан фахрланамиз, уларнинг барча қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

Бугун ҳар биримиз мамлакатимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлигига қарши қаратилган бу хавф-хатарни аниқ ва равшан англаб олишимиз, маккор, ёвуз кучларга муносиб зарба беришга ҳар дақиқа тайёр туришимиз зарур.

Биз Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг қудратини ошириш ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида бутун Ўзбекистон халқини янада жипслашишга чақирамиз. Жамиятимиз бирлиги, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, кўзлаган эзгу мақсадларимизга эришиш учун фидокорона меҳнат қилиш — ҳар қандай ёвуз кучларнинг юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлигига қарши қаратилган таҳдиди ва хуружига бизнинг энг муносиб жавобимиз бўлади.

Бунинг учун биз доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, терроризм ва диний ақидапарастлик жаҳолатига қарши курашда ҳокимият идоралари билан фаол ҳамкорлик қилишни, ўз уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни ҳимоя этишни ўзимизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиз деб билмоғимиз лозим.

Олий Мажлис барча давлат органларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиб, уларни тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, мустақиллик, демократия ва тараққиёт ғояларини амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатишга даъват этади.

Биз кўпни кўрган уруш ва меҳнат фахрийларига, таълим даргоҳларининг ўқитувчи ва мураббийларига, маданият ва санъат намояндаларига, соғлом фикрли уламоларимизга мурожаат қилиб, уларни муқаддас динимизни ниқоб қилиб олган ёвуз кучларнинг кирдикорларини фош этишда, кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларимизни, динимизнинг инсонпарвар моҳиятини ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгига сингдиришда фаол қатнашишга чақирамиз.

Биз муборак заминимизда ёвузлик, қабиҳлик қилишга, ислом дини номидан жинояткорона мақсадларни амалга оширишга асло йўл қўймаймиз.

Халқимиз ва давлатимиз илғор дунёқарашга эга, шижоатли ва ташаббускор ёшларимизга катта умид билан қарайди, улар тимсолида ўзининг буюк келажагини кўради. Биз ёшларни мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларга сергаклик ва масъулият билан қарашга, мустақиллик ва демократия ютуқларини қадрлашга, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек шарафли ишда олдинги сафларда бўлишга даъват этамиз.

Ишончимиз комилки, бу навқирон авлод ота-боболаримиздан бизга мерос қолган Ватанимиз сарҳадларини, барча фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидай асрашга, малъун тўдаларга муносиб зарба беришга қодир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хорижий мамлакатлар парламентларига, жаҳондаги барча тараққийпарвар кучларга мурожаат этиб, уларни терроризм, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда ҳамжиҳат бўлишга, турли минтақаларда, жаҳон миқёсида барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун бор имкониятларни ишга солишга чақиради.

Олий Мажлис демократия ва инсонпарварлик борасида умумэътироф этилган тамойилларга содиқ эканини тасдиқлаб, кўпмиллатли халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, Ўзбекистонни ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан ҳеч ким, ҳеч қандай куч қайтара олмаслигини яна бир бор қатъий баён этади.

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида 2000 йил 30 августда қабул қилинган.**

«Алпомиш»нинг довруғи нафақат Жарқўрғонда, балки Сурхондарё вилоятининг турли бурчакларида ҳам машҳур. «Ўздонмаҳсулот» Давлат акционерлик жамиятига қарашли «Алпомиш» қўшма корхонаси кунига 180 тонна буғдойни қайта ишлаш билан бир қаторда, 30 тонна буғдойни қуритиш имкониятига ҳам эга. Корхонанинг ишга туширилиши ўнлаб жарқўрғонлик ёшларни доимий иш ўринлари билан таъминлади.





**СУРАТЛАРДА: «Алпомиш» қўшма корхонасида иш қизғин; оператор Чоршанби Хўжамбердиев ўз касбининг билимдони ҳисобланади.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Фармон ва шарҳ

# МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТИМСОЛИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Амнистия, бу содда қилиб айтадиган бўлсак, инсон тақдирига, унинг келажак ҳаётига ғамхўрлик билан ёндашишдир. Чунки мазкур ҳужжатнинг ҳар бир банди, сатри замирида инсоннинг ҳаёти, кейинги қисмати, оиласининг тақдири ётади. Мана, тасаввур қилайлик, мазкур ҳужжат қанчадан-қанча шахсларга жазо муддатидан олдин оиласи бағрига қайтиш, ҳаётини янгидан бошлаш ҳуқуқини беради. Бу билан оиланинг шаъни қайта тикланади, ота-она, фарзандлар, ёру биродарларнинг ўксик қалби малҳам топади. Улар кўнглига ёруғлик олиб киради. Кўрдингизми, мазкур ҳужжат нафақат озодликка чиқаётган ҳар бир инсоннинг, балки унинг ортидаги ўнлаб одамлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларга кўра, бу амнистия туфайли йигирма мингдан зиёд маҳкумлар жазони ўташ жойларидан озод бўлади, оиласининг иссиқ бағрига қайтади. Бу — ушбу ҳужжат замирида улкан инсонпарварлик туйғуси мужассам эканлигини англатади. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, 30-35 мингга яқин маҳкумларнинг жазо муддати қисқартирилади. Бу амнистия қарийб 90-95 фоиз маҳкумларга нисбатан қўлланилади, деганидир.

Шу ўринда бир масалага ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Яқинда "Халқ сўзи" газетасида Республикамизда қанча шахс қандай жиноятлар учун озодликдан маҳрум этилгани тўғрисидаги расмий маълумотлар эълон қилинди. Бу рақамлар айрим чет эл оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда гўёки 100 мингдан зиёд диндор қамоқда сақланмоқда, деган даъволар ҳақиқатдан мутлақо йироқлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, мамлакатимизда бирорта ҳам шахс диний эътиқоди учун қамоққа олинмаганлиги, бундай бўлиши мумкин ҳам эмаслиги соғлом фикрли ҳар бир инсонга кундек равшан.

Мустақилликнинг ўтган тўққиз йили мобайнида Президентимиз Фармонлари билан 11 марта амнистия қабул қилинган. Шулар орасида бу йилги амнистия кенг қамровлиги, инсонийлик тамойилларини маҳкум шахсларга янада кенгроқ қўлланилганлиги, айниқса, аёлларга, қарияларга ва вояга етмаганларга бениҳоя катта меҳр-мурувват кўрсатилганлиги билан ажралиб туради.

— ***Ҳуқуқшунос олим сифатида Фармоннинг мана шу моддаларига батафсилроқ тўхталсангиз?***

— Фармоннинг 1-моддасида хотин-қизлар ёшидан қатъи назар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, вояга етмаганлар, чет эл фуқароларини жиноий жазодан озод қилиш белгиланган. Лекин Фармонда қайд этилганидек, мазкур модда уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этган, ўта оғир жиноятлари учун судланганлар, шунингдек, қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситаларининг савдоси билан шуғулланган шахсларга, ўта хавфли рецидивистларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида белгиланганидек, ижтимоий хавфи катта ва оғир бўлмаган жиноят турлари мавжуд. Масалан, унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган.

Фармоннинг иккинчи моддасига кўра, ана шундай жиноят содир этган, уч йилгача озодликдан маҳрум этилган, шу билан бирга, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинади. Фармоннинг ушбу моддаси жазони ижро этиш муассасаси, шунингдек, тергов органи ва суд томонидан амалга оширилади.

Биринчи маротаба олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилиниши Фармоннинг учинчи моддасида кўрсатилган. Бу дегани шахс биринчи маротаба жиноят содир қилганлиги учун судланиб, олти йил озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатини бир йилу олти ойини ўтаган бўлса, озодликка чиқишини билдиради.

— ***Назаримда, Фармоннинг 4-моддаси илгаригиларига қараганда, қамрови анча кенг. Шу ҳақда ўз фикрингизни билдирсангиз?***

— Бу моддага кўра, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо муддати бир йилдан кам қолган маҳкумлар озодликка чиқади. Яъни, шу йилнинг 28 августига қадар ўталмаган жазо муддати бир йил ва ундан камроқ қолган бўлса, маҳкум озод этилади.

Фармоннинг 5-моддаси эса, биринчи маротаба жиноят содир этиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахсларга жазодан бутунлай озод этилиш имконини беради.

Шу ўринда 6-модда ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-74 - моддаларига кўра, озодликдан маҳрум қилиш ва бошқа турдаги жазоларга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бу моддаларни қўллаш учун маҳкум белгиланган жазонинг маълум бир қисмини ўтаган бўлиши шарт. Масалан, оғир жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтагандан сўнг шартли равишда озодликка чиқарилиши, шунингдек, жазо муддатининг камида ярмини ўтаган бўлса, унга нисбатан жазони енгиллаштириш мумкин. Дейлик, саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс жазонинг тўрт йилини ўтаган бўлса, у ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилиши мумкин.

— ***Фармоннинг 7-моддасида 10 йилгача озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар манзил-колонияларига ўтказилиши белгиланган. Бу қандай ҳуқуқий асосларга кўра, амалга оширилади?***

— Республика жиноят-ижроия кодекси 113-моддасига кўра, унча оғир бўлмаган жинояти учун судланганлар жазони ўташ даврида ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатган, тартиб-интизомга қатъий риоя қилган, жазо муддатининг камида учдан бир қисмини, оғир жиноят учун судланганлар эса, жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаган бўлса, манзил-колонияларга ўтказилади.

Фармоннинг 8-9-10 бандлари учун қўшимча изоҳ шарт эмас, деб ўйлайман.

— ***Шу ўринда бир савол туғилади: Фармоннинг 10-бандида Ўзбекистон Республикаси конституцион тузумига қарши жиноятлар содир этган шахсларга қарши амнистия қўлланилмаслиги қайд этилган. Шу масалага ҳам қисқача изоҳ бериб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди.***

— Бунинг сабаби шундаки, террористик, экстремистик ва бошқа ноқонуний ташкилотлар, жиноий уюшмаларда иштирок этиш, миллий, ирқий адоват қўзғатиш ва жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар ўта оғир жиноятлар ҳисобланади. Бундай жиноят бир ёки бир неча киши ҳаётига эмас, балки бутун жамият, бутун халқ хавфсизлигига таҳдид солади. Менингча, бундай жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан амнистия қўлланмаслигидан бутун жамият манфаатдор.

— ***Яқин кунларда маҳкумликдан озод этилиб, ўз оиласи бағрига қайтадиган ҳар бир инсон кўрсатилган меҳр-мурувватдан тўғри хулоса чиқариши, бу мурувват, ишонч унинг учун яна бир имконият эканлигини англаб етиши зарур, албатта. Шу ўринда сиз ҳуқуқшунос олим сифатида ана шундай кишиларга нима деган бўлардингиз?***

— Инсон дунёга бир марта келади. Қандай умр кечириши унинг ўзига боғлиқ. Президентимизнинг ушбу Фармони минглаб маҳкумларни озодликка чиқариш билан биргаликда уларга катта масъулият ҳам юклайди. Содда қилиб айтганда, одамийликка одамийлик билан, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш инсонга хос фазилат.

Бугунги озод, эркин, хотиржам ҳаёт қадрини, ўз ота-онаси, фарзандлари, оиласи шаъни ва тақдирини ўйлаган ҳар бир инсон ҳаётнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулоса чиқариши, табиийдир.


Давлат-акциядорлик

«ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»

жамоаси

Сизларни энг улуғ, энг азиз, энг буюк, энг суюкли байрам

МУСТАҚИЛЛИКнинг

мунаввар 9 йиллиги билан чин дилдан қутлайди!

Истиқлолимиз боқий, юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин, Ватанимиз сарҳадлари тинч ва барқарор бўлгай! Ҳуррият туйғулари ила соғлом авлодлар сафида камолга етаётган ўғил-қизларингиз ва невара-чевараларингизнинг тўй-ҳашамларини кўриш барчангизга насиб этсин! Биз эса улар учун кўркам ва шинам уй-жойлар қуриб, хизматингизда тураверайлик! Илоҳо, ниятларимиз ижобат бўлиб, фидойилик ҳеч биримизни тарк этмагай!




***Мустақиллик байрами арафасида «Ўзуйжойжамғармабанк»и азиз юртдошларимизга янги омонат турларини таклиф этади:***

Қисқа муддатли **«ИСТИҚЛОЛ»** омонати. «Истиқлол» омонати 2000 йилнинг 25 августидан 4 сентябрига қадар 35 кун муддатга қабул қилиниб, йилига 50% фойда тўланади.

Шуни мамнуният билан маълум қиламизки, 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, банк ҳузурида янги **«БОЛАЖОН»** деб номланган болалар жамғармаси аҳоли хизматига тақдим этилди. Унга 16 ёшгача бўлган болаларга камида 5 йил муддатга жамғарма қўйиш мумкин. Жамғармангиз ҳар йил сақлаб берилгани учун 36% қўшимча даромад тўланади. Жамғарма муддати тугагач, мукофот тарзида яна қўшимча ҳақ тўланади. «Болажон» жамғармасига турли турдаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар саховат ёрдам пули маблағлари ҳам ўтказишлари мумкин.

«Ўзуйжойжамғармабанк» барча омонат кассалари аҳолидан **«АНТИҚА»** жамғармасига пул маблағларини қабул қилади. Унда Сиз сақланиш муддатини, фоиз миқдорини ва фойда олиш кунини ўз хоҳишингизга кўра белгилаш имкониятига эгасиз.
Давлат-акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»и жамғармаларингизни сир сақлашни ва зарур бўлган пайтда қайтарилишини кафолатлайди.

ЎЗ КЕЛАЖАГИНГИЗНИ «ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК» ҲАМКОРЛИГИДА ҚУРИНГ!

Маълумот учун телефонлар: 132-13-18, 133-31-62.

# “TURKISTON”

xususiy ochiq aktsiyadorlik — tijorat investitsiya banki

Кўп миллатли Ўзбекистон халқини, банкнинг таъсисчилари, акциядорлари ва мижозларини

## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ 9 ЙИЛЛИК

байрами билан самимий муборакбод этади.
Бу байрам барчангизнинг хонадонингизга файзу барака,
тинчлик-тотувлик ва хуш кайфият олиб келсин!
«TURKISTON» банки Сизнинг келажагингиз учун ҳақиқий ҳамкор сифатида хизмат кўрсатишдан манфаатдордир.

*Келинг, кўринг, ишонч ҳосил қилинг: «TURKISTON» банки-КЕЛАЖАК банки.*

**«TURKISTON» БАНКИ АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ МАҚСАДИДА СИЗГА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:**

*Талаб қилиб олинадиган омонат, **йилига — 12%,***
*Депозит **3 ойга — 9%,***
*Депозит **6 ойга — 18%,***
*Депозит **12 ойга — 36%,***
*«Капитал плюс» **6 ойга ҳар 1 ойига — 3%дан.***

Манзилимиз: Тошкент шаҳри А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.
Тел: 132-09-34, 34-63-96, 34-62-52.

3282

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ ДАВЛАТ МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

кўп миллатли Ўзбекистон халқини республикамиз

## *Мустақиллигининг 9 йиллик*

қутлуғ ва муборак айёми билан сидқидилдан қутлайди.



Азиз юртдошларимизга, келажагимиз ворисларига гуллаб-яшнаётган озод ва обод, хур Ватан қолдириш йўлидаги ижобий ва ижодий ишларида улкан зафарлар, қолаверса кўҳна ва севимли юртимизда ҳамиша бахтли, фаровон ва осуда, тинч, кўркам ҳаёт кечиришни тилаймиз.

Қимматли қоғозларнинг Давлат марказий депозитарийси.

Чин маънода истиқлол фарзанди ҳисобланган, озод Ватан тупроғида унган «оқ олтин»дан рақобатбардош маҳсулот тайёрлаб, жаҳон бозоридан ўз харидорларини топаётган

# «ЭЛТЕКС»

## ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*иқтисодий ислоҳотлар ҳамда маънавий янгиланишлар жабҳасида кўпчиликка ибрат бўлаётган элликқалъаликлар номидан бутун Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрамимиз –*

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

*самимий муборакбод этади, мамлакатимизга равнақ, муқаддас чегараларимизга дахлсизлик, ҳар бир хонадонга тинчлик, осойишталик, тўкин-сочинлик, ҳар бир ватандошимизга бахту омад тилайди.*



*«Элтекс» гўзал диёримизнинг сўлим «Швейцарияси» деб ном олаётган Оқчакўл соҳилларидан ўз ҳамкорларига байрам саломини йўллайди.*

Байрам барча-барчамизга бахт келтирсин!

3258

# «БОҒОТ-ДОН»

## ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**Собитқадамлик билан буюк келажак пойдеворини қураётган ўзбек халқини энг суюк ва энг буюк байрамимиз –**

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ БИЛАН**

**муборакбод этади!**

*Мустақиллик бизни ҳурфикр қилди, озод ва обод юртда яшаш бахтини берди. Ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашдек бахтга муяссар этди. Жамиятимизни жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида равнақ топтиришга беқиёс имкониятлар яратди.*

*Жамоамиз аъзолари мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда, иқтисодиётимизни юксалтиришда ўз ҳиссаларини қўшаётганликларидан мамнундирлар.*

*Тилагимиз – мамлакатимизнинг иқтисодий куч-қудрати ва салоҳияти янада юксалаверсин. Хирмонимиз донга, дастурхонимиз нонга, қалбларимиз эса ярашиш ишқида ёниб, орзу ниятларга тўлаверсин. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни кўз қорачиғидай асрайлик!*



3288

# KASANSAYTEKMEN

## Wool Textile Industry










Замонавий технологияларда жаҳон стандартлари талабларида маҳсулот ишлаб-чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи Ўрта Осиёда энг буюк жун саноати секторига эга бўлган «Косонсой-Текмен» қўшма акциядорлик корхонаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллигини биргаликда нишонлашдан ғурур туяди ва Ўзбекистон халқини мустақиллик байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этади.

# Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси гуллаб-яшнайверсин!



Манзилгоҳ: Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истамбул кўчаси,717270
Тел: (998 369 65) 23 355,23 459,24 256,22 015,21 293,22 035,22 392
(998 369 22) 61 317,55 036,55 037
Факс: (998 369 65) 22 566
Web: www.kasansaytekmen.com e-mail: kastek@online.ru, kstekmen@online.ru

Тошкент офиси: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, №41 уй
Тел: (371) 133 29 75,133 39 05
Факс: (371) 133 67 51 e-mail: tektash@naytov.com

3295

G`allabank

# «ҒАЛЛАБАНК»: ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА



**МОҲИЯТИГА КЎРА, БАНК ТИЗИМИ БУГУНГИ КУНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЛОКОМОТИВ ВАЗИФАСИНИ ЎТАШИ ВА ШУ БИЛАН ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БАРЧА СУБЪЕКТЛАРНИ ЎЗ ИШИНИ ЗУДЛИК БИЛАН ҚАЙТА ҚУРИШ ВА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҚАТЪИЙ ЭГАЛЛАШГА ДАЪВАТ ЭТУВЧИ МУАССАСА БЎЛИБ ҚОЛМОҒИ ДАРКОР.**

Ислом КАРИМОВ.



## Банк ташкил этилганидан буён ўтган 6 йилнинг дастлабки якунлари (2000 йил 1 август ҳолатига):

- Банк активлари 12,6 мартага;
- Банк капитали 475 мартага;
- Кредит қўйилмалари 55 мартага;
- Инвестициялар 34 мартага ўсган.
- Банк филиал ва бўлимлари 29 тани;
- Мижозлари сони 20398 тани ташкил этади.

## Банк капиталини ва ресурс базасини кўпайтириш борасидаги ишлар:

* Ўтган давр ичида банкнинг акциялари 5 марта чиқарилиб, тўлиқ жойлаштирилди.

* Банк ташкил этилган кундан бошлаб 2000 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, Устав капитали 150 баравар ўсди.

* Банкнинг акциядорлари сони 68 баравар ошди, жумладан, жисмоний шахс бўлган акциядорлар сони 1210 тани ташкил этди.

* Банк ўз акциядорларига 1999 йил якуни бўйича йиллик 42 фоиз, жами 372,6 млн. сўм дивиденд тўлади.

* Ҳозирги кунда банк акцияларининг VI эмиссияси проспекти Марказий банк рўйхатидан ўтказилди.

* Ҳар йилги фаолият якунларини халқаро аудиторлик компаниялари томонидан аудитдан ўтказиш йўлга қўйилди. Жумладан, 1999 йил якунлари бўйича "Прайсвотерхаус Куперс" халқаро аудиторлик компаниясининг хулосаси олинди.

## Тадбиркорлар билан ҳамкорлик борасида:

Бугунги кунда банк 3719 та турли фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорга,

***жумладан,*** ***870 та деҳқон ва фермер;***
***2061 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан машғул тадбиркор;***
**788 та якка тартибдаги тадбиркорга хизмат кўрсатмоқда.**

Тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда уларни имтиёзли кредитлашни мунтазам йўлга қўйиш мақсадида "Имтиёзли кредитлаш жамғармаси" шакллантирилмоқда. Мазкур жамғармага банк соф фойдасининг 25 фоизини йўналтириш тўғрисида қарор қилиниб, йил охиригача унинг миқдорини, бизнес-режага кўра, 270 млн. сўмга етказиш мўлжалланмоқда.

**2000 йил 1 август ҳолатига кўра, банк томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун:**

*а) ўз маблағлари ҳисобига жами 580,6 млн. сўм, шу жумладан, 318,6 млн. сўм микрокредит берилган;*

*б) бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига 86,1 млн. сўм кредит ажратилган;*

*в) тадбиркорларга банк ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан берилган умумий имтиёзли кредитлар суммаси 341,1 млн. сўмни ташкил қилмоқда.*

*Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида эришилган дастлабки натижалардан бири — 850 дан ортиқ янги ишчи ўрни яратилди.*



## АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БОРАСИДА:

+ 2000 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, 37 та жамғарма шохобчаси мавжуд бўлиб, улар 15509 нафар омонатчига хизмат кўрсатмоқда.

+ Банкдаги омонатлар қолдиғи, 2000 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан 2 баробар ошди.

+ Ҳозирги кунда республика фуқаролари учун 14 турдаги омонат очилган бўлиб, шундан янги омонат турлари қуйидагилардан иборат:

**«Соғлом авлод йили». Унда қуйидаги омонат турлари таклиф этилди:**

- **1 ойдан 7 ёшгача** бўлган болалар учун — "7х25" омонат тури;
- **3 ойга 10 фоиз** миқдорида;
- **6 ойга 21 фоиз** миқдорида;
- **9 ойга 32 фоиз** миқдорида;
- **1 йил муддатга 40 фоиз** миқдорида.

**Республикамиз Мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан барча фуқароларга байрам туҳфаси сифатида «ИСТИҚЛОЛ-9» омонат тури таклиф этилди:**

✓ ушбу омонат тури бўйича ойига 3,9 фоиз ҳисобланиб, ҳар ойдан сўнг қўшилган фоиз суммасини бериш ёки

✓ ойига 4,1 фоизли жадвал бўйича 5 ойдан сўнг қўшилган фоизни бирйўла омонат суммаси билан бериш кафолатланади.

## БУНДАН ТАШҚАРИ БАРЧА ФУҚАРОЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНА:

**«Капитал-III» 1 йиллик омонат тури, йиллик 42 фоиз миқдорида даромад тўланади ва ҳар 3 ойда қўшилган фоиз даромадини;**

**«Капитал-II» 2 йиллик омонат тури, йиллик 52 фоиз миқдорида даромад тўланади ва ҳар 6 ойда қўшилган фоиз даромадини;**

**«Капитал-I» 3 йиллик омонат тури, йиллик 60 фоиз миқдорида даромад тўланади ва ҳар йилда қўшилган фоиз даромадини бериб боради.**

Банк қўйилмалар миқдори ҳақида сир сақлашни ва муддати келган омонатларни мижознинг биринчи талаби бўйича тўлаб боришни кафолатлайди.

## Республика ихтисослашган акциядорлик тижорат банки — "ҒАЛЛАБАНК" филиал ва бўлимлари рўйхати

**Марказий идора манзили: 700060, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» кўч., 36.**
**Телефон: (3712) 133-42-25, 136-16-17, 136-11-05, 136-15-01.**
**Факс: (3712) 136-16-17, 136-11-05, 133-71-72, 133-70-40.**
**«Ғаллабанк»нинг амалиётлар бошқармаси, 700060, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» кўч., 36. Телефон/Факс: (3712) 136-70-60, 133-44-66, 133-42-95.**

| | Филиалнинг номи | Телефон рақами | Манзили |
|---|---|---|---|
| 1. | Андижон вилоят филиали | (3742) 22-23-71, 22-23-69 | 710000, Андижон ш., Фитрат кўчаси, 236 |
| 2. | Қўрғонтепа бўлими | (37472) 25-87-99, 1-10-32 | 711300, Қўрғонтепа ш., Тельман кўчаси, 100 |
| 3. | Бухоро вилоят филиали | (3652) 25-70-49, 25-85-48 | 705013, Бухоро ш., Т.Шевченко кўчаси, 19 |
| 4. | Жиззах вилоят филиали | (37222) 4-19-38, 4-24-13 | 708000, Жиззах ш., «Тўқимачилар» кўчаси, 2А |
| 5. | Қашқадарё вилоят филиали | (37522) 3-09-32, 3-24-43 | 730006, Қарши ш., И. Мўминов кўчаси, 68 |
| 6. | Кўкдала бўлими | (37556) 2-12-38, 2-11-64 | 731622, Чироқчи тумани, «Кўкдала» жамоа-ширкат хўжалиги маркази. |
| 7. | Яккабоғ бўлими | (37558) 2-46-80, 2-47-08 | 731500, Яккабоғ ш., Фурқат кўчаси, 1 |
| 8. | Қорақалпоғистон Республикаси филиали | (36122) 3-72-19, 3-75-09 | 742000, Нукус ш., Қизкетген, пос., 6-проезд, 12 |
| 9. | Қонликўл бўлими | (36131) 2-38-8, 2-43-69 | 743800, Қўнғирот ш., «Қорақалпоғистон» кўчаси, 25 |
| 10. | Чимбой бўлими | (36144) 2-42-56, 2-16-82 | 743300, Чимбой ш., Шайдаков кўчаси, 36 |
| 11. | Беруний бўлими | 4-30-4, 4-87-82 | 742000, Беруний ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 10 |
| 12. | Наманган вилоят филиали | (36922) 3-27-92, 3-26-78 | 716008, Наманган ш., «Ахси» кўчаси, 2 |
| 13. | Поп бўлими | (36943) 3-26-76, 3-18-90 | 717000, Поп ш., «Дўстлик» кўчаси, 45 |
| 14. | Учқўрғон бўлими | (36946) 2-20-86, 2-37-03 | 717400, Учқўрғон ш., «Дўстлик» 3-берк кўчаси, 1 |
| 15. | Навоий вилоят филиали | (43622) 4-92-41, 4-90-61 | 706800, Навоий ш., «Ғалаба» шоҳкўчаси, 149А |
| 16. | Самарқанд вилоят филиали | (3662) 31-23-17, 31-04-48 | 700300, Самарқанд ш., Сартепа, 148А |
| 17. | Тайлоқ бўлими | (3662) 31-16-04 | 704453, Тайлоқ ш., Амир Темур кўчаси, 15 |
| 18. | Сурхондарё вилоят филиали | (36622) 4-96-63, 4-00-86 | 732903, Термиз ш., «Зерновая» кўчаси, 1 |
| 19. | Шўрчи бўлими | (37645) 3-10-62, 3-22-61 | 733400, Шўрчи тумани, Мустақиллик, 77 |
| 20. | Сирдарё вилоят филиали | (3672) 25-14-32, 25-14-10 | 707000, Гулистон ш., Н. Маҳмудов кўчаси, 48 |
| 21. | Фарғона вилоят филиали | (3732) 22-82-01, 22-69-62 | 712025, Фарғона ш., «Қурувчилар» кўчаси, 13 |
| 22. | Қува бўлими | (37331) 5-34-98, 5-37-86 | 713910, Қува ш., Қорабоева кўчаси, 1А |
| 23. | Қўқон бўлими | (37355) 2-50-52, 2-50-63 | 713000, Қўқон ш., Қудуқлик, пос. |
| 24. | Хоразм вилоят филиали | (3622) 27-48-08, 27-27-90 | 740000, Урганч ш., «Хонқа» кўчаси, 20 |
| 25. | Хонқа бўлими | (36239) 9-10-59, 34-03-67 | 744600, Хонқа тумани, «Хонқа» кўчаси, 35-а |
| 26. | Ўқув бўлими | (3712) 34-32-03, 35-35-76 | 700084, Тошкент ш., Ш.Рашидов кўчаси, 94-а |
| 27. | Оҳангарон бўлими | (264) 5-53-86, 5-62-65 | 702430, Оҳангарон ш., Ф. Хўжаев кўчаси, 2 |
| 28. | Бекобод бўлими | (291) 2-50-22, 2-30-91 | 702930, Бекобод ш., «Бирлик» кўчаси, 5 |

## Банк фаолиятининг устувор йўналишлари

**Кредит сиёсати бўйича:**

- Кредит хатарлари даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;
- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини ва унинг молиявий аҳволини кредит хатарини башорат қилиш мақсадларида ўзгартириш имкониятларини аниқлаш;
- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;
- кредит қўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлиги ва даромадлилигини таъминлаш;
- кредит олган мижоз билан доимий алоқада бўлиб туриш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш.

## Бошқа соҳалар бўйича:

- Молиявий базани мустаҳкамлаш, шу жумладан, Устав капиталини доимий равишда ошириб бориш ва узоқ муддатларга маблағларни жалб қилиш;
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини муддатли омонатларга жалб қилиш суръатларини ошириш;
- Хорижий инвесторларни ва замонавий ишлаб чиқариш технологияларини мамлакатимизга жалб қилиш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида жаҳоннинг йирик молиявий институтлари кредит линияларини йўлга қўйиш ва яқиндан ҳамкорлик қилиш;
- Кичик ва ўрта тадбиркорларни, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаш ва молиялаштиришнинг соддалаштирилган тизимини яратиш;
- Банк активлари ва пассивлари сифатини яхшилаб бориш, жумладан, тизимимизда ўз фаолиятини юритаётган корхоналарнинг молиявий ҳолати устидан мониторинг ўрнатиш;
- Республика фонд бозорида амалиётлар турини кўпайтириш ва банк акциялари ликвидлигини ошириш;
- Мижозларга янги хизмат турларини, жумладан, "Мини банк" ва "Мижоз банк" тизимини янада кенг қўллашни жорий этиш;
- Банкнинг мутахассис ва раҳбар ходимлари иштирокида мақсадли семинарлар ташкил этиш;
- Банкда корпоратив тизимини жорий этиш, ички назорат ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириб бориш орқали банк ишини бугунги кун талабларига мослаштиришдан иборатдир.

«Ғаллабанк» банклараро "Ахборрейтинг" компанияси томонидан ўтказилаётган тижорат банк-лари рейтингини аниқлаш дастурида фаол иштирок этиш орқали ўз фаолиятини мижозларга, акциядорларга ва барча қизиқувчи шахсларга янада яқинлаштиради ва улар учун маълумотлар очиқлилигини таъминлашни муҳим вазифасига айлантиради.



**Банк Кенгаши ва банк Бошқаруви мустақил юртимизда истиқомат қилувчи барча ватандошларимизни Истиқлолимизнинг 9 йиллик шодиёнаси билан самимий қутлайди ва ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликка чорлайди.**



# СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ!

*Оналар меҳрини офтобга менгзашади. Офтоб ўз нури ила ер юзидаги жамики мавжудотни бирдай баҳраманд этгани каби, оналар меҳридан олам мунаввар, оила чароғон, хонадон пурзиё.*

*Истиқлол байрамининг 9 йиллиги арафасида тўққиз фарзандли тўққиз нафар онахон билан учрашувга йиғилганлар аёл нафақат хонадон, балки жамиятимиз гултожи эканини эътироф этишди.*

*Паркент туманида яшовчи тўққиз куёвли, 9 келинли қайноналар Ҳ. Юнусова, С. Рустамова, Ё. Муҳаммадиёрова, М. Савирова, Қ. Ҳайдарова, Ҳ. Исматова, К. Зокирова, Ш. Мирҳодиева ва М. Маҳкамовалар ўз ҳаёт йўллари, турмушнинг ширин хотиралари ва баъзан синовли онлари ҳақида сўзлашди.*

*– Оилада эркак подшо бўлса, аёл унинг вазиридир, – дедилар 9 келинли онахон Қумри Ҳайдарова. – Балки ана шу вазирлик мавқеимизни сақлаганимиз, оиламиз раҳбари ҳурматини жойига қўйганимиз ва айни чоғда фарзандлар тарбиясини энг муҳим иш деб билганимиз боис ҳам бугунгидай иззат-икромга сазовор бўлгандирмиз.*

*Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг иштирок этиши, давра қатнашчилари ва айниқса аёлларга билдирган эзгу тилаклари даврага янада файз киритди. Тўққизтадан фарзандни оқ ювиб оқ тараган, уйлаб-жойлаб эл хизматига камарбаста қилган пиру бадавалат онахонлар билан учрашув шоирлар иштирокидаги шеърхонлик, куй-қўшиқларга уланиб кетди.*



**М. ХОЛМАТОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** кечадан лавҳалар акс эттирилган.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ** олган суратлар.

# САХОВАТ

**Тошкентнинг Мевазор маҳалласида истиқомат қилувчи беш ака-ука Қўчқоровлар хайрли ишга қўл уришди. Куни кеча Чилонзор туманининг шу маҳалласида «Аҳил» деб номланувчи янги стадионнинг очилиш маросими бўлди. Қатортол, Мевазор, Шотурсун Ғуломов, Хайробод маҳалла аҳилларининг орзуси ушалди. «Соғлом авлод йили»да бу стадионнинг ишга тушиши болаларга муносиб совға. Ҳомийлардан бири Убайдулла ака билан суҳбатлашганимизда бу ерда катта спорт комплекси бунёд этилишини енгил атлетика, волейбол, теннис, биллиард ўйинлари ҳам ташкил қилиш ниятлари йўқ эмаслигини айтди. Буни очишдан мақсадимиз, болалар бебош бўлиб, ҳар хил ёмонликларга ўрганмасин, бўш вақтларида спорт билан шуғуллансин, чемпионлар шу маҳаллалардан чиқсин, деймиз.**

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**

# ФАХР

**«Буюк хизматлари учун...» Бу таърифга изоҳнинг ўзи ортиқчадек гўё. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, уларнинг нафақат беқиёс истеъдоди, балки Ватани, халқи, миллати ривожи учун қолдирган ўлмас мероси буюк хизмат билан баробар десак, муболаға бўлмас. Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адиблар, санъат усталарининг Юртбошимиз Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланиши уларнинг оилаларига улуғ байрамимиз арафасида шундай қувонч олиб кирдики...**

**Ҳасан РАЖАБИЙ — Ўзбекистон халқ ҳофизи:**

— Ватани, халқи учун яшаган, меҳнат қилган падари бузрукворимизнинг хизмати шу қадар тақдирланиши, эъзоз билан эътироф этилиши биз, Ражабийлар сулоласини беадад қувонтирди. Қолаверса, отамизнинг руҳлари ҳам шод бўлди шу кун. Буни қарангки, фидойилик билан қилинган ишлар ёддан чиқмас экан. Ахир, Юнус Ражабийни бежиз мусиқа отахони, деб аташмаган-да. Бугун тўқсон олти ёшли қаҳрамон волидаи муҳтарамамиз Қумри она қўлларини дуога очиб юртимизга тинчлик, Юртбошимизга омонлик тилаб, отамизга берилган юксак мукофот учун оиламиз миннатдорчилигини чин қалбдан изҳор этяптилар.

**Олмос:**

— Отам — Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғуломга «Буюк хизматлари учун» орденининг берилиши ҳақидаги хабар, очиғи, мени жуда ҳаяжонлантириб юборди. Беихтиёр у кишининг ушбу сатрларини эсладим.

***«Азиз асримизнинг***
***азиз онлари***
***Азиз одамлардан***
***сўрайди қадрин.***
***Фурсат ғаниматдир***
***шоҳ сатрлар-ла***
***Безамоқ чоғидир***
***умр дафтарин».***

Зеро, умр дафтарини безаган шеърий меросларининг бойлиги, унинг бугунги кунда ҳам миллат тараққиётига қўшган ҳиссасининг улуғлиги исботи, аслида бу мукофот. Шу ўринда бизга отамизни қайта «тирилтириб» берганлари учун Юртбошимизга минг раҳмат айтгим келади. Шоир уй-музейида совет даври мукофотлари талайгина. Бироқ юртимиз мустақил бўлгандан сўнг таъсис этилган мазкур орденнинг ўрни бошқа, деб ўйлайман. Отам ўзлари ҳаёт бўлганларида қанчалар шодланар ва иймоним комилки, бунинг эвазига янада баракали меҳнат қилган бўлардилар. Фарзанд учун ота-онаси ҳақида яхши гап эшитиш қанчалар фахрли бўлса, у кишининг мукофотга лозим топилиши инчунун.

**Жамшид ЗОКИРОВ — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.**

— «Ўлдинг, ўчдинг», деган гап бор халқ орасида. Бироқ Ботир Зокиров вафотига ўн тўрт йил ўтган бўлса ҳам ҳануз у кишининг қўшиқлари янграйди. Ҳар янги ижро у кишини қайта-қайта эслатади бизга. Ботир акам санъат фидойиси, санъат шайдоси эдилар. Ва шу санъат йўлида ўлим топдилар. Ҳақиқатни йўқ дейишади-ю, лекин у бор. Барибир бир кун ярақлаб юзага чиқади. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировга берилган юксак мукофот ана шу ҳақиқатнинг борлиги ифодаси дея оламан. Акам сингари бошқа марҳум адиб ва санъаткорларга бундай мукофотнинг берилиши Юртбошимизнинг санъат аҳлини, ижодкорларни нечоғли ардоқлаши, эъзозлаши ифодасидир.

**«Халқ сўзи» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА ёзиб олди.**

# УНСУРГА ОМОНЛИК БЎЛМАЙДИ

Мустақиллик нашъасини тотиб, ўз миллий давлатининг ёрқин келажагини барпо этаётган Ўзбекистон халқлари манфур террорчиларнинг бузғунчилик ҳаракатларини кескин қораламоқдалар. Металлургия ва машинасозлик саноати корхоналарида норозилик йиғилишлари ўтаётир.

— Террорчилар тоғли ҳудудларга суқулиб кириб, халқларимизнинг осойишталигига, баҳамжиҳатлигига раҳна солишга уринишмоқда, — деди «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилишда касаба қўмитасининг раиси М.Холиқулов. — Ватан хоинларига лаънатлар бўлсин. Биз, Металлурглар Ватан қудратини ошириш учун ғайратга ғайрат қўшиб меҳнат қиламиз.

Чирчиқдаги «Трансформатор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида меҳнат фахрийси Р.Абхаиров сўзга чиқиб, хушёрликни оширишга, террорчиларга муносиб зарба беришга даъват этди. «Бизнинг фидокорона меҳнатимиз, ғайрат-ташаббусимиз ва жамиятда баҳамжиҳатликни сақлаш учун самарали ташвиқот-тарғибот ишимиз — қора кучларга муқаррар зарбамиздир», — деди нотиқ.

«Қизилқум» олтин изловчилар артели жамоатчилиги ҳам унсурларни қоралаб резолюция қабул қилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# АЖИНИЁЗ ЗАМИНИГА ЭЛТАР ЙЎЛ

Истиқлолнинг 9 йиллиги арафасида Нукус-Бўзатов йўлини таъмирлаш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар уддаланди. Туман йўллардан фойдаланиш бошқармаси биргина шу йўлнинг ўзида 8 миллион сўмдан ортиқ таъмирлаш ишларини бажарди. Шу кунларда «Еркиндарё» қўрғонида янгидан барпо этилган касб-ҳунар коллежи ҳудудини ободонлаштириш давом этмоқда.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**







«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716. 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — Б. Остонақулов.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 00.10* 1 2 3 4 5 6